

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАРИҚАТЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Эркин Раҳматов

Самарқанд давлат университети таянч докторанти

э-маил: erkinrahmatov@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада Марказий Осиёда тасаввуф тариқатларининг тарқалиши борасида фикр-мулоҳазалар келтирилган. Яссавия, Кубравия, Нақшбандия тариқатларининг Марказий Осиё халқлари ҳаётидаги ўрни таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Тасаввуф, тариқат, Яссавия, Нақшбандия, Кубровия, шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат.

Тариқат силсилалари ҳақида сўз кетаркан, аввал силсила Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан Хожагон-Нақшбандия, иккинчи силсила Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан Сухравардия-Кубровия, учинчи силсила Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан Чиштия-Ишқия, охириги тўртинчи силсила Али каррамаллоҳу ваҳҳаҳудан Қодирия-Жаҳрия¹ сулуқлари келганлиги айтиб ўтилган.

Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048-1140) таълимоти асосида вужудга келган Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг (1103-1179) “Хожагон” тариқати Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) даврида кенг ёйилиб, нақшбандийликни ташкил этди. Шунинг учун Хожагон-нақшбандия тариқати, деб аталади ва ул буюк зот Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийга “Сарҳалқаи силсилаи Нақшбандия”, деб таъриф берадилар. Алоуддин Аттор ҳам ушбу мўтадил тариқат аҳли сунна ва жамоа йўлидаги эътиқоддаги муршидлардан бири бўлган.

“Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ”... халқдан оғирликни кўтармоқ керак ва бу муяссар бўлмаса, ҳалол касб билан “даст ба кор, дил ба ёр” деган сўзни хожагон тариқатида бажариш шартдир”², деб халқ манфаатлари йўлида, унинг ҳаёт юкини ўз зиммасига олишга чақирган. Агар одам бу ишга қодир бўлмаса, ўз юкини халқ устига ташламай, бирор касбни эгаллаб, ҳалол меҳнат билан кун кўриши керак, деб ўз таълимотининг моҳиятини очиб берган.

Баҳоуддин Нақшбанд Ғиждувоний йўлини давом эттириб, уни юксак босқичга кўтарди. Абдулҳолиқ Ғиждувоний “даст ба кору, дил ба ёр” деб,

¹ Рисолаи шариф. Муаллифи номаълум. Қўлёзма, форс тилида. ИБХИТМ қ.ф. № 52. – 78^б варак.

² Рашахот... – Б. 255.

бунёдкорликка ва имонга даъват этган бўлсалар, Баҳоуддин Нақшбанд “дил ба ёру, даст ба кор”, деб имонга ва бунёдкорликка чорлайдилар. Бу ўзига хос ривожланиш деалектикаси бўлиб, инсонни ҳам моддий ҳам маънавий бакамоллик сари ундовчи муҳим ғоя ҳисобланади. Инсоннинг икки дунё саодатини таъминловчи даъватдир.

Нақшбандия тариқатида мутаассиблик йўқ. У барча миллат, барча ирқдагиларга дастуруламал бўла олади. Рост йўл, тўғри йўлни топа олишда қибланимо вазифасини ўтайди³. Баҳоуддин Нақшбанд ҳам унинг муридлари ундан шу йўлни маҳкам тутдилар. Кубровия тариқат асосчиси Нажмиддин Кубро⁴ (1145-1221) бўлиб, машҳур лақаблари “Валийтарош” дир. У киши кўплаб валийларни устози тарбиячиси бўлганликларини англатади. Кубровия тариқати тўғрисида “Бўстонул муҳиббийн”да шундай дейилади: “Исломиёи илмларни ўрганган шогирд муршиди комил амри бирлан ўлтурғой ва муриди содиқ (шогирд) қибла тарафга қараб, қўлини тиззасининг устинда қўйғой, мисли “аттаҳийёт”⁵ да ўлтурғондек. Дастлаб, “Саловот” айтиб савобини ўтган анбиёлар, азизлар руҳониятига ҳадя қилгай. Ўтган барча силсила соҳиблари истиъонат талаб қилиб, кўнглини муршиди кўнглига баробар тутуб, оғзини юмгай ва тилини эса юқори энгайига ёпуштуруб маҳкам тутғой. Нафас олмағай, балки нафасин сақласун. Андин сўнг таъзим ва тавозеъ ва эҳтиром бирлан шайхга кўнгли бирлан мувофиқатлиқ қилиб ва нафасин сақламоқга муҳофиз қилиб, қудрати бўлгунча. Чунончи, етушгай зикрнинг ҳаловати кўнглига восир қилғой онинг таъсири тамом аъзолариға. Андин сўнг зокир бошини юқори қилиб рост тортгай. Бул ҳолда шайтонни нафий қилгай. Мунга зарби аввал дерлар”⁶. Умуман тасаввуфда муршидлар тариқат шайхлар ушбу мактабларнинг асосчилари ва ижтимоий маданрий, маънавий-маърифий муҳитнинг барқарорлигида ҳам муҳим ўрин тутганликлари маълум.

Шайх Нажмиддин Кубро хонақоҳ⁷да мурид тарбиялашнинг ўзига хос усуллари ишлаб чиқади ва “Тариқатлар рисоласи”, “Ўнта усул” номли

³ Бухорий С.С. Табаррук зиёратгоҳлар. – Т.: 1993. – Б. 27.

⁴ Силсилаи Кубровия сулукининг асосчиси Нажмиддин Кубро, асл исми Аҳмад ибн Умар Муҳаммад Хевакий Хоразмий бўлиб 1145 йилда Хива шаҳрида дунёга келганлар. Ул зоти боборакот 1221 йилда Мўғулларга қарши бўлган жангда шаҳид бўлади.

⁵ Аттаҳийёт – Уч, тўрт ракаатли намозларнинг иккинчи ҳамда намоз охиридаги ўтиришда ўкиладиган дуо. Бу ерда шу ҳолатда ўтириш назарда тутилмоқда.

⁶ Истиъонат – ёрдам

⁷ Хонақоҳ – форсча “хона-уй” маъносини англатиб, дарвишлар, қаландарлар, шунингдек, ғариб ва мискинлар тўхтайдиган, истиқомат қиладиган уй – қаландархона, дарвишхона. Мусулмон мамлакатларида зовия, такья, работ номлари билан ҳам юритилган. Хонақоҳлар IX асрдан эътиборан шакллана бошлаган. Қаранг: ЎИЭ. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”

китобларида сўфийлар тарбиясида қуйидаги ўнта талабнинг муҳимлиги қайд этилади: Тавба, Зухд, Таваккул, Қаноат, Узлат, Таважжух, Сабр, Мувоқабат, Зикр, Ризо.

Тавба – барча амалларнинг боши.

Зухд – тақво, парҳез демак.

Таваккул – ўз амаллари, фикри ва ишларида ёлғиз Аллоҳга суяниш демак.

Қаноат – камолотнинг энг мақбул йўли ҳисобланади.

Узлат – табиий равишда яққаланиш ва гўшанишин бўлишни талаб қилади.

Таважжух – кураш, ўзи билан ўзининг кураши.

Сабр – солиқнинг эътиқоди, ниятини сақлаш.

Мувоқабат – кузатиш, тафаккур-шуурга берилиш демак.

Зикр – сўфий одам ҳар ерда, ҳар доим Аллоҳ исмларини тилидан қўймаслиги, калималарни, дуоларни мунтазам такрорлаб туриш.

Ризо – солиқ Аллоҳ қудратини, илмини чуқур ҳис қилган ҳолда, ўзини буткул Унинг иродасига топширади ва Аллоҳ олами билан ҳузурлана бошлайди. Ҳақ унга ва у Ҳаққа яқинлашади⁸.

Чиштиё сийласи Хуросоннинг шарқида шаклланиб, Ҳиндистонда кенг тараққий этган. Чиштиё тариқати асосчиси Хожа Абу Ишқ Шомий (ваф. 1097 йил) ҳисобланади. Тариқат Аллоҳга таваккул қилиш, ҳалол меҳнат асосида тирикчилик қилиш, муҳтожларга беминнат ёрдам бериш каби амаллар билан Аллоҳ марҳаматига эришишнинг муҳим босқичлари, деб таъкидлашган.

Ишқия тариқати Марказий Осиёга биринчи бўлиб шайх Абул Ҳасан Ишқий томонидан кенг ёйилган. Ишқия тариқати тамойилларига зухд, дунёвий ишлардан ўзни тортиш кабилар ўрин эгаллаб, бу жараёнларни, асосан, мувоқабат ташкил этган. Ишқия тариқати асосини ибодат рақси билан бирга айтиладиган зикр жаҳрий ташкил қилади.

Ишқия тариқати билан боғлиқ зиёратгоҳлар юртимизнинг кўплаб ҳудудлари қаторида Қашқадарёнинг Қамаш туманидаги Лангар ота, Чироқчи туманидаги Эски Лангар, Самарқанд вилояти Нуробод тумани Тим, Гумбаз қишлоқларидаги зиёратгоҳлар айнан Ишқия тариқати вакиллари номи билан юритилади.

Қодирия сулуки асосчиси Абдулқодир Гилоний (Ғавсул Аъзам) (1079-1166) бўлиб, ўз замонининг энг тўғри сўзчи, ҳақиқатпарвар, илмда шижоатли,

Давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 259-260; Ўролов А. Юсупов Р. Ўрта Осиёнинг ўтмишдаги маънавият масканлари. – Самарқанд: 2005. – Б. 24-25.

⁸ Комилов Н. Тасаввуф. – Б. 421.

сулукда камарбаста, устозлар тарбиясини мукамаллик даражасида ўзлаштирган улуғ “авлиёлар султони”, ўз навбатида ўзлари ҳам сўфийлар устози, тасаввуфга назарий ва амалий жабҳаларда жило берган мударрисдирлар.

Қодирия сулукининг асосий шиори “Машғуллик ила фориғлик”дир. “Маноқиб қодирия”да шундай дейилган: “Саййид Абдулқодир Гилоний ҳазратларининг фитратларида Юсуф Сиддикуллоҳнинг хусни малоҳатлари, Ҳазрати Расулуллоҳнинг хулқи фасоҳатлари, ҳазрати Сиддиқи Акбар (Абу Бакр) разияллоҳу анҳунинг сидку ҳаёлари, ҳазрат Умар Форукнинг ғайрат ва адолатлари, ҳазрати Усмон Зиннурайннинг ҳукм-у ифбатлари, ҳазрати Али Муртазонинг илм ва шижоатлари мавжуд эди”.

Ул зот замондошлари орасида “Султон ал-авлиё” деб эъзозланар, унинг бир умрлик мақсади кишиларни яхшилик йўлида тарбиялаш, ёмон йўлдан қайтариш, ожиз ва йўлдан адашганларга ёрдам бериш, ҳалоллик ва эзгулик учун курашиш эди.

“Қодирия” сулукининг шиори дунёдан фориғ бўлиб, охират ишига машғул бўлиш эмас, балки машғуллик билан фориғланишдир. Бунинг маъноси шуки, инсон моддий ноз-неъмат яратиши керак, бусиз ҳаёт тўхтаб қолади. Аммо инсон ўзи яратган мол-дунёга меҳр қўймаслиги, яъни дунё хирсидан фориғланган ҳолда дунё ишига машғул бўлиши керак⁹.

“Орифлар султони”, дея эътироф этилган Хожа Аҳмад Яссавий (ваф. 562/1167 йил) Хожа Юсуф Ҳамадоний шогирди, “Султония-жаҳрия” ёхуд “Яссавия” тариқати асосчиси, соҳиби девон бўлган улуғ тарбиячидир.

Бу кишига тариқатда Ҳазрати Хизр алайҳиссалом устозлик қилганлар.

Ҳазрат Султон Аҳмад Яссавий Алп Арслон (Боб) ҳаётлик чоғларида доим у кишининг хизматларини лозим тутадилар ва Арслон Боб васиятларига кўра, Хожа Юсуф Ҳамадоний хизматига кириб, ул зотнинг учинчи халифаси бўладилар.

Олим шайх Азизон ўзининг рисоласида: “Айтишганки, ориф бўлай десанг нафси пок, руҳи пок, қалби пок, фикри пок бўл, банда бу тўрт нарсани билса, ўз нафсини билади”, деб султония сулуки қоидаларини таъкидлаб ўтган.

Нақшбандийлик Марказий Осиё, Туркия, Ҳиндистон ва Америка каби бошқа ерларда кенг тарқалган тариқатлардан бири бўлиб, ХИВ аср ўрталарида вужудга келган¹⁰. Тариқат асосчиси Баҳоуддин Нақшбанддир.

⁹ Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. – Т.: 2004. – Б. 6-8.

¹⁰ Комилов Н. Комиллик тариқати // Тафаккур. – Тошкент, 1998. – Б. 61.

Тариқат силсиласини юқоридан пастга қараб таҳлил қиладиган бўлсак, Абу Бакр Сиддиқдан бошланган силсила то Боязид Бистомийга қадар сиддиқия, Бистомийдан Абдулҳолиқ Ғиждувонийга қадар тайфурия, Ғиждувонийдан Баҳоуддин Нақшбандга қадар хожагон ва Баҳоуддин Нақшбанддан бошлаб нақшбандия¹¹ дея атала бошланган.

Нақшбандийлик Хожа Юсуф Ҳамадоний ва Абдулҳолиқ Ғиждувоний асослаган хожагон тариқати таркибида шаклланди. Бора-бора тариқат қамрови кенгайиб борди. Таълимот аҳли сунна вал жамоага амал қилувчи тариқат бўлиб, ҳафий зикрга асосланган. Зоҳирда кўзга ташланадиган бу тариқат аҳли учун асосий бўлмай суҳбат ва робитага эътибор беради¹².

Нақшбандийликда суннатга қатъий амал қилиш, шариатга зид бидъатлардан қочиш, тақвони кучайтириш, зулм ва ноҳақлик қилмаслик, Аллоҳни ҳар лаҳзада зикр қилиш¹³ таъкидланган.

Нақшбандийлик тариқати қуйидаги тўрт асос устига қурилган:

Шариат билан зоҳирни ва тариқат билан ботинни поклаш. Ҳақиқат билан қурби илоҳийга ва маърифат билан Аллоҳга эришмоқ¹⁴. Шу асосда нақшбандийликнинг ўн битта асосий тамойили ҳам бўлиб, тариқат вакили риоя қилиши шарт бўлган.

Ҳуш дар дам – ҳар нафасидан огоҳ бўлиш;

Назар бар қадам – ҳар қадамни кузатиш;

Сафар дар ватан – ботиндаги сафар, ахлоқни тузатиш;

Хилват дар анжуман – зоҳиран халқ билан ботинан ҳақ билан бўлиш;

Ёд кард – Аллоҳни эслаш, зикр қилиш;

Бозгашт – зикрдан кейин “Аллоҳим, мақсадим сенсан ва сени ризолигингни тилайман” деб тақрорлаш;

Нигоҳдошт – қалб ва хотира мувоқабаси;

Ёддошт – ҳар лаҳза Аллоҳдан огоҳ бўлиш;

Вуқуфи замоний – замон-вақтдан огоҳ бўлиш, уни асраш;

Вуқуфи ададий – сон-ададдан огоҳ бўлиш, тавҳидга етиш;

Вуқуфи қалбий – қалб ҳолатидан огоҳ бўлиш.

Бу тамойиллар ХИ-ХИВ асрлар давомида Хожа Юсуф Ҳамадоний (4 та), Абдулҳолиқ Ғиждувоний (4 та) ва Баҳоуддин Нақшбанд (3 та) тамойилни ишлаб чиқди, амалиётга тадбиқ этди. Албатта Ғиждувонийдан то Баҳоуддин

¹¹ Эрайдин С. Тасаввуф ва тариқатлар. – Истанбул, 1981. – Б. 221.

¹² Наврӯзова Г. Нақшбандия тасаввуф таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Т.: Фан, 2007. – Б. 45.

¹³ Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – Б. 108.

¹⁴ Кара М. Тасаввуф ва тариқатлар тарихи. – Истанбул: 1996. – Б. 295.

Нақшбандга қадар ўтган Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобо Самосий ва Саййид Амир Кулолларнинг ҳам ҳиссаси бор. Яъни хожагон тариқати ушбу муршидлар орқали Баҳоуддинга сайқалланиб, тажриба-амалиётда синалиб ўтиб келган.

“Хуш дар дам” – “хуш” ва “дам” сўзларидан олинган бўлиб, инсон ўтаётган умрининг ҳар бир лаҳзасида хушёр, зехнли, огоҳ бўлишини англатади. “Дам” – ибораси бу ерда лаҳза, фурсат, он, нафас маъносида¹⁵ келади. Нақшбандияда у хушёр маъносида келган. Хушёрлик ғафлат тушунчасига қарама-қарши бўлиб, инсон умрининг бирор нафаси, берилган бирор фурсатини ҳам ғафлат билан ўтказишга ҳаққи йўқлиги айтилади.

Назар бар қадам – назар доим қадамда бўлсин, солиқнинг кўзи ерга қаратилган бўлиб, унинг назари сочилмасин ва кераксиз жойга тушмасин.

Абдурахмон Жомий ушбу рашҳанинг шарҳида бундай дейди:

Бирор нафас хушёрликни йўқотмади у,

Ўз қадамин ўлчамоқдан тинмади ёху,

Ўзлигидан узоқлашди қадам-бақадам.

Ҳар қадами пойдор бўлди заминда мангу.

Сафар дар ватан – солиқ одабийлик табиатидан малаклик сифатига ва ёмонлик сифатидан яхшилик сифати томон кўчсин.

Хилват дар анжуман – ташқи томондан халқ билан, ички томондан Ҳақ билан.

Баҳоуддин Нақшбандга кўра, халқнинг узоқда қолишига сабаб шуки, улар ўзларини ўзлари узоқлаштирадилар ва ўз ихтиёрлари билан ўз юкларини ўзлари оғирлаштирадилар, ваҳоланки Илоҳий файз келишда ҳеч қандай нуқсон йўқ.

Ёдкард – қалб зикри. Ёдкардда солиқ эҳтиром, эътиқод, ихлос билан қалб орқали тавҳид калимаси, яъни “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ” ни такрор айтмоқлигидир.

Бозгашт – Зикр айтувчи тили ёки дилида калимаи тоййибани айтаётганда, хаёлида “Худовандо, менинг мақсадим Сенсан” сўзининг ўтмоқлигидир. Бозгашт калимаси хаёлдан яхши ёки ёмон фикрларни ҳайдовчидир. У зикрни холис қилиб, ўзга нарсалардан озод қилади.

Нигоҳдошт – солиқ ўзини ҳар хил ўй, фикрлардан асрамоқлиги. Айниқса, калимаи тоййибани зикр қилаётганда чалғитувчи хаёллардан ўзини эҳтиёт қилмоқлиги.

¹⁵ Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуф таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Т.: Фан, 2007. – Б. 164.

Ёддоштдан мурод шуки, Ҳақ субҳонаҳу ва таолони доимо завқ-у шавқ билан ёдда тутиб, огоҳ бўлишдир. Баъзилар уни “ғойиб бўлмайдиган ҳузур” деган ибора билан ҳам атайдилар. Баъзи ҳақиқат аҳлининг наздида у шундай бир мушоҳададирки, Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг муҳаббати кўнгилни тамоман ўзига қамраб олади, бу эса ёддоштининг ҳосил бўлишидан даракдир.

“Вуқуфи замоний” (“Замон-вақтдан огоҳлик”)га кўра, инсон ўзи яшаётган давр, замон қандай кечаётганидан, ундаги барча муҳим жараёнлардан огоҳ бўлиб бормоғи зарур. Умрни хайрли, эзгу ишларга сарф этиши лозим. Ғафлатда қолмаслик хушёрликни, дахлдорликни англатади.

“Вуқуфи ададий” (“Сон-ададдан огоҳлик”) тамойили негизида икки тушунча – касрат (кўплик) ва ваҳдат (ягоналик) ётади. Оламга назар солганда борлиқдаги барча нарсалар ранг-баранг ва турли-туман кўринса-да, уларнинг асл моҳияти биттадир. Яъни, уларнинг барчаси яратилган бўлиб, яратувчи ёлғиз Аллоҳдир.

Нақшбанд жорий этган учинчи қўшимча “Вуқуфи қалбий” (“Қалбдан огоҳлик”)ни назарда тутди. Қалб инсоннинг жисми ва руҳини бир-бири билан боғлаб турувчи марказдир. Унда нақшланган нарса хотирада муҳрланади. Унинг ҳолати инсоннинг бутун жисм-у тани ва руҳиятидаги кечинмаларни акс эттиради. Шунинг учун қалбни пок тутиш, уни ташқи таъсирлардан асраш зарур. Қалбда фақат бутун борлиққа меҳр-шафқат ва муҳаббат, эзгу ниятлар мужассам бўлиши лозим. У кибр, ҳасад, ғазаб, араз, нафрат каби иллатлардан холи бўлмоғи керак.

Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуфдаги илгари амал қилган қаттиқ талабларни бир қадар юмшатиб, мўтадиллаштирди, кундалик турмушга мослади. Унингча, Аллоҳга интилиш кўнгил амри ва ризоси билан амалга ошиши керак. Қўл эса меҳнат билан банд бўлаверсин. Баҳоуддин Нақшбанднинг таркидунёлик қилмай, бу дунё ишларидан очик-ошкор воз кечмай туриб ҳам Аллоҳ васлига етишиш мумкинлиги ҳақидаги ғояси тасаввуфнинг оддий одамлар орасига кириб боришини таъминлади.

Алломанинг нақшбандийлик таълимоти Қуръони карим ва Ҳадиси Шариф асосида шаклланган. Тариқат пирларининг асосий мақсади – Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларини мустаҳкамлаш, вазифаси – бидъат ва хурофотга қарши курашиш. Зеро, Пайғамбар алайҳиссалом: “Бидъат ва хурофотга берилганлар энг ёмон кишилардир, бидъат-хурофотга берилган одам то уни тарк этмагунча унинг қилган савоб ишларини Аллоҳ қабул қилмайди”, деганлар.

Қалб Аллоҳнинг назаргоҳидир. Аллоҳ таолонинг назаргоҳи ҳисобланган қалбни покиза тутиш нақшбандийлик таълимотининг асл муддаосидир.

Маърифатни кенг маънода тушунтириб, руҳий камолотнинг асосий мақсади маърифатли бўлишдир, деб таъкидлайди Баҳоуддин Нақшбанд. “Тавҳидга етиш осон, лекин маърифатли бўлиш мураккаб жараён, бунга фақат устозлар раҳбарлиги орқалигина етишиш мумкин”¹⁶.

Баҳоуддин инсон маърифатли бўлиши, ўзини англаш, ўрганиш учун аввало ўз-ўзини бошқара олиши, барча қувватларни илоҳий ишқ йўлида сарфлаши, бутун вужудини идора этиб, уни руҳий камолот учун сафарбар этиши кераклигини таъкидлайди. Ердан яхши ҳосил олиш учун уни барча бегона ўтлардан тозалаб, кейин уруғ сепилгани каби ботинни поклаб, сўнг зикр уруғини сепиш кераклигини тушунтиради. Шунингдек, инсон маърифатли бўлишда нафсга қарши сабр фазилатини ўзига сингдириши, бу жараёнда ҳалол лўқма ва ҳушёрликка алоҳида эътибор бериб, қўл меҳнати билан ҳаёт кечиришни кундалик одатга айлантириш лозимлигини уқтирган.

Нақшбандийлик хожаликни эмас, меҳнаткашликни тарғиб қилгани жиҳатидан ҳам ўз даври учун улкан ижтимоий ҳодиса эди. Нақшбандийлик тариқати жаҳоннинг ана шундай энг муҳим ижтимоий муаммоси – меҳнатга ва унинг натижасида эришиладиган бойликка муносабат масаласига ниҳоятда жиддий эътибор беради. “Дил ба Ёру даст ба кор!”, яъни “доимо кўнглинг Аллоҳда бўлсин, қўлинг эса ишда” шиори кишининг меҳнат қилиб туриб ҳам тасаввуф билан машғул бўлиши мумкинлигини исботлади. Агар ҳар ким ўз меҳнати билан тирикчилик қилса, бойликка фақат меҳнати орқалигина эга бўлишга интилса, бу дунёда ноҳақлик юз бермайди, ижтимоий адолат тантана қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Кара М. Тасаввуф ва тариқатлар тарихи. – Истанбул: 1996.
2. Комилов Н. Комиллик тариқати // Тафаккур. – Тошкент, 1998.
3. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. – Т.: 2004.
4. Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуф таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Т.: Фан, 2007.
5. Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуф таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Т.: Фан, 2007.

¹⁶ Мақомот. – Б. 62.

6. Рисолаи шариф. Муаллифи номаълум. Қўлёзма, форс тилида. ИБХИТМ қ.ф. № 52. – 78^б варақ.
7. Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999.
8. Эрайдин С. Тасаввуф ва тариқатлар. – Истанбул, 1981.